

## **БУЮК АЛЛОМА АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ, ДИНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАРАШЛАРИ**

**Дилдора Ахтамовна Ахатова**

Шаҳрисабз давлат педагогика институти  
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

**Ёқубов Хайрулла Нурилла ўғли**

Шаҳрисабз давлат педагогика институти  
Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими  
йўналиши 1-курс талабаси

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада Шарқ мутафаккирларидан бўлмиш улуғ маърифат соҳиби, бутун умрини маърифат тарғиботида, маърифий туйғунинг нозик қирраларини кашф этишига сарфлаган олим Абу Ҳомид Ғаззолийнинг илмий-маданий меросларидан фойдаланилиб, фалсафий, диний қарашлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, ислом тарихида “ҳужжат ул-ислом” номи билан машҳур Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ҳар бир соҳага оид ёзган асарлари ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлиб, ҳозирги давр ёшлари учун ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Ғаззолий ҳазратлари ислом эътиқод фалсафаси бўлган (Калом) Илоҳиётнинг жуда кўплаб ақоид қисмига урғу берган ва ақлдан сезгини биринчи ўринга чиқарган. Мантиқ ва мунозара асосларини қўллаган. Имом Ғаззолийнинг фалсафий, диний қарашлари ўз даврида ҳам ҳозирги даврда ҳам долзарбдир.*

**Калит сўзлар:** “Ҳужжат ул-ислом”, гайб олами, зоҳир, ботин, илмлар қутби, ҳоллар қутби, мақомлар қутби, метафизика, Калом (илоҳиёт), фикҳ, мантиқ, тасаввуф.

### **АННОТАЦИЯ**

*В этой статье исследуются философские и религиозные взгляды Абу Хамида Газали, выдающегося восточного мыслителя, который всю свою жизнь посвятил пропаганде просветления и раскрытию тонких аспектов чувства просветления. Боле того, произведения Абу Хамида Газали, известные в истории ислама как “документ уль-ислам”, хорошо известны узбекским читателям и имеют большое образовательное значение для современной молодежи. Хазрат Газали подчеркнул многие доктрины богословия, философию исламской веры (Калам) и поставил на первое место чувства. Использовал логику и рассуждения. Философские и религиозные взгляды Имама аль-Газали столь же актуальны сегодня, как и сегодня.*

**Ключевые слова:** “Документ уль-ислам”, знание невидимого, внешнего, внутреннего, полюс знания, полюс идолов, полюс статуса, метафизика, Калам (теология), юриспруденция, логика, мистицизм.

### **ABSTRACT**

*This article explores the philosophical and religious views of Abu Hamid Ghazali, an outstanding oriental thinker who devoted his whole life to promoting enlightenment and revealing the subtle aspects of the feeling of enlightenment. Moreover, the works of Abu Hamid Ghazali, known in the history of islam as the “ul-islam document”, are well known to uzbek readers and are of great educational value to modern youth. Hazrat Ghazali emphasized many doctrines of theology, the philosophy of the Islamic faith (Kalam) and put feelings first. Used logic and reasoning. The philosophical and religious views of Imam al- Ghazali are as relevant today as they are today.*

**Key words:** “Ul-islam document”, cognition of the invisible, external, internal, pole of knowledge, pole of idols, pole of status, metaphysics, Kalam (theology), jurisprudence, logic, mysticism.

### **КИРИШ**

Бутун дунёда “хужжат ул-ислом”, ислом оламининг буюк мутафаккирларидан бири деб эътироф этилган Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғаззолий Тус шаҳрининг (ҳозирги Машҳад) Тобарон қишлоғида ҳижрий 450 (милодий 1058) йилда дунёга келган. Оталари Муҳаммад – ип йиғирувчи, турли ип маҳсулотларини тайёрлаб, сотувчи, яъни арабчада, Ғаззол эди, касби кўп вақтни олганлиги учун илм билан шуғуллана олмайдилар, аммо фарзандларини илм олишида жонбозлик кўрсатган, улар илм олишлари учун шарт-шароит яратиб, устозлар ҳузурларига юборганлар. Фарзандлари Абу Ҳомид Муҳаммад ва у кишининг укаси Абул Футуҳ Аҳмаддир.

Ғаззолийнинг замондоши АбулҒафур ал-Форсий шундай дейди: “Боғдодда Ғаззолий чакмоқ сингари шундай бир гулдурос таратдики, шуҳрати замон буюклари, амирлари ва халифалик олимларининг шуҳратидан ошди. Дарсларида 300 киши ҳозир бўлар эди” [5, 5-бет] . Бу ҳолат 488 йилгача давом этади. Дарс беришни тарк этади. Бир муддат ҳар нарсадан шубҳалананиб, сўфиёна ҳаёт кечиради. Тили тугилади, фасоҳат ва балоғати зойил бўлади. Ниҳоят, илоҳий бир лутф туфайли шубҳадан покланган бир иймоннинг туғилиши асносида ғайб оламининг асроридан огоҳлик йўллари кўринади. Қол (зоҳир) оламидан ҳол (ботин) оламига етганликнинг (яъни гап-сўзлар оламида, одамлар билан яшашдан кўра ёлғизликда, маънавий оламда, илмлар ва ибодатлар дунёсида умргузаронлик қилишдан келадиган) нашъа, қувончлар

ичида Боғдоддан чиқиб кетиб, хилватда ва узлатда яшамоққа аҳд қиладилар. Бу ҳолат икки йил давом этади [5, 6-бет].

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Замонасининг алломаси Абулаббос ал-Марсуйдан Ғаззолий ҳақидаги фикрларини сўраганда, у киши бундай жавоб берганлар: “Мен Ғаззолийнинг сиддиқларга хос энг юксак мақомда чиққанига гувоҳлик бераман”. Қутблар учдир: 1. Илмлар қутби – Ғаззолий; 2. Ҳоллар қутби – Боязид Бистомий; 3. Мақомлар қутби – Абдулқодир Жийлоний.

Бу ҳукм “Ал-қатд ваъс-саодат” номли асарда ёзилган. Ғаззолий ҳазратлари ҳақида Алишер Навоий ҳазратлари ҳам “Садди Искандарий”, “Насойим ул-муҳаббат” номли асарида ҳам зикр этиб, илиқ фикрлар айтганлар. “Насойим ул-муҳаббат” асарида Ҳазратни яъни Ғаззолийни “Ҳужжат ул-ислом Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий Тусий куняти Ибн Ҳомид ва лақаби Зайниддирдур” – дея таърифлаб ўтадилар.

Асарлари хусусида гап кетадиган бўлса, “Ихё улум ад-дин” (бу асар энг машҳур асар бўлиб, 4 қисмдан ибрат: ибодат, одат, муҳлиқот ва мунжиётдир) [2, 4-бет]. Кейингиси “Кимёи саодат” – бу асарлари “Ихё”ни қисқартмаси ва қўшимча изоҳларидир. Кейинги асарлари “Китоб ул-Азкор ваъд-даоват” (дуолар ва зикрлар) китобидир. Ғаззолий ҳазратлари ҳар бир соҳага оид асар ёзганлар. Тафсир, ҳадис, тарих, фалсафа, фикҳ, мантиқ, тасаввуф, ҳарф илмлари, руҳоний сирлар, одатлар хусусида, илоҳий исмларга оид,... санаб саноғига етиб бўлмайди... Имом Ғаззолий фалсафасининг энг катта хатоларидан бири ғайб олами – метафизика. Бу фикрнинг тўғрилигини исботлаш учун файласуфларнинг метафизикага оид тортишувлардан бир нечтасини олдилар. Мисол учун, оламнинг азалийлиги ёки кейин пайдо бўлганлиги ҳақидаги масала, қадимдан файласуфлар бу масала бўйича иккига бўлиниб олиб тортишиб келганлар. Баъзилари олам азалий деса, бошқалари олам ҳодис – кейин пайдо бўлган, деган.

Имом Ғаззолийнинг фикрларича, файласуфларнинг мазкур тортишувлари охирига етиши мумкин эмас. Чунки улар ўзларидан мутлақ ғайбдаги нарса ҳақида тортишмоқдалар. Ўзлари тубида турган оламнинг асли ҳақида тортишувни ким қўйибди?! Бирор нарса ҳақида баҳо бериш учун унинг ташқарисида бўлиш керак. Оламнинг ичида турган одам унинг азалий ёки янги пайдо бўлганини қаердан билсин?! Инсоннинг ақл даражасидан ташқарида минг тортишса ҳам фойда бермайдиган ғайбий олам – метафизикага оид маълумотларни эса, тайёр ишончли манбадан, яъни Аллоҳ таоллонинг Ўзи динлар орқали берган хабарларидан олишни таклиф қиладилар. Диний

ақийдаларга оид маълумотлар айнан ғайбият олами – метафизикага оиддир. Ғаззолий Ҳазратларининг “Мукошофат ул-Қутуб” асарини ўқиш жараёнида шундай диалогга кўзингиз тушади:

“Иблис:

- Китобларим нима бўлади?

Рабб:

- Игна билан баданга солинган расмлар ҳам сенга китоблар ўрнига ўтаверади.

Иблис:

- Қуръоним нима?

Рабб:

- Қофияли сафсаталар, маддоҳликдан ўзгасини билмайдиган шеърлар.

Иблис:

- Муаззиним-чи?

Рабб:

- Мазмунсиз шовқин таратувчи чолғулар.

Иблис:

- Ичадиганим нима?

Рабб:

- Ақл иродасини йўқ қиладиган ичимлик ва қарахт қилувчи моддалар.

Иблис:

- Тузоқларим нималар?

Рабб:

- Бузуқ хотинлар”[1, 59-60-бетлар]

Ғаззолий ҳазратлари ислом эътиқод фалсафаси бўлган (Калом) Илоҳиётнинг жуда кўплаб ақоид қисмига аҳамият берган ва ақлдан сезгини биринчи ўринга чиқарган. Мантиқ ва мунозара асосларини қўллаган.

Шу билан бирга Калом (илоҳиёт) билан қаноатланмаган Ғаззолий ҳазратлари тасаввуфга йўналиб ақлнинг ўрнига мукошафани қўйган. Сўфийлик ва шариат соҳасида муҳим ўрин тутган. Сўфийлик тушунчасини шариат қоидалари билан бирлаштирди: асарларида тасаввуфни илк марта назарий жиҳатдан очиб берди. Тадқиқотларидан аҳли суннат қарашларини қабул қилгани ва бошқа қарашларга эса қарши бўлганини айтиш мумкин. Унинг тасаввуфга қўшган ҳиссаси туфайли бу тармоқ, яъни сўфийлик узоқ муддат яшай олади. Ғаззолий Ҳазратларининг фикрига кўра тасаввуф, инсоннинг маънавий хасталиклардан қутилишига ёрдам берувчи энг катта кучдир. “Бадан қалбнинг ўлкасидир. Бу ўлкада қалбнинг бир қанча аскарлари бордир. Қалб охират

учун яратилган. Аллоҳнинг танимоқ эса унинг яратганларини билмоқдан бошланади. Инсон ботинидаги сифатлар ҳайвонларга, баъзиси йиртқич ҳайвонларга ва малакларга оид бўлган сифатдир. Буларни фарқига бориш инсоннинг ўзига ҳавола”[1, 47-48-бетлар]

## REFERENCES

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Сунний ақидалар.Т., “Мавароуннаҳр” 2005 й.
2. Имом Ғаззолий Ихё улум ад-дин. Т., “Ўзбекистон” 2019 й.
3. Имом Ғаззолий Дуолар ва зикрлар. Т., “Ўзбекистон” 2019 й.
4. Имом Ғаззолий Кимёи саодат. Т., “Ўзбекистон” 2018 й.
5. Имом Ғаззолий Мукошафат-ул қулуб. Т., “Янги аср авлоди” 2004 й.
6. Ochilova Guzal Aralovna, Omonov Bahodir Nurillaevich, Nomozov Khurshid Shavkatovich, Manzarov Yusuf Khurramovich, Ochilov Baxrom Aralovich Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The Education And Training System.  
<https://www.pnrjournal.com/index.php/home/article/view/2880/2583>  
[https://www.scopus.com/sourceid/21100216519\\_984-989](https://www.scopus.com/sourceid/21100216519_984-989)
7. Ochilova G.A., Tursunova S.A., Ochilova N.R. Contemporary civilization and the person the dialectical relationship of spiritual image.  
<https://zenodo.org/record/5792349#.Yd6UT9JByM8>
8. Очилова, Г. А. (2022). ЁШЛАР ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ ЭЛИТАСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 1288-1294.
9. Ochilova, G. A. (2020). Philosophical analysis of the development of social consciousness. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*” ПЈАЕЕ, 17(7)  
2020)<https://www.palarch.nl/index.php/jae/article/view/2706/2637>  
<https://www.scopus.com/sourceid/21100286805> Ochilova G.A.
10. Nurillaevich, O. B., Aralovna, O. G., Shavkatovich, N. K., Khurramovich, M. Y., & Aralovich, O. B. (2022). Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The Education And Training System. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 984-989  
<https://sifisheriessciences.com/journal/index.php/journal/article/view/1815/1865>
11. Очилова Г.А., Жумаева Ш.С., Очиллов Б.А. Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожда миллий давлатчилик тафаккурини шакллантириш зарурияти: усул ва воситалари. Халқаро ислом академияси. Илмий таҳлил журнали. Тошкент. 2019 й. 44-бет.